

ШОҲИДА БАҲРОНОВА

Эзгулик

ШЕЪРЛАР

79 16

"Ворис" нашриёти
Тошкент - 2007 йил

84(59)B-5

Ёш ҳаваскор қаламкашнинг ушбу мўъжаз тўпла-
мига унинг эзгулик ва тўғрилиқни улуғловчи инсо-
ний қадр-қимматни меҳр-мурувватни куйловчи са-
мимий сатрлардан иборат машқлари киритилди. Улар
сизнинг қалбингизга ҳам яхшилик уруғларини кўпай-
тиради-деб ишонамиз.

© Ш. Баҳронова,
«Ворис» нашриёти,
2007

| | |
|---------------|--|
| 20.02 1621 | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MI |
|---------------|--|

MD 33273
0 81

Устоз

Ерда барча ўт-ўлан,
Қуёш билан яшнайдди.
Қуёш нур берса, Устоз -
Билим бериб яшайди.

Усиз кўз ожиз гўё,
Усиз ҳаёт зулматдир.
Унинг ҳар сўзи - зиё,
Ҳар бир иши ибратдир.

У - отадек улуғ зот,
У - онадек меҳрибон.
У - дўст каби қўш қанот,
Қариндошдек қадрдон.

Кўнгиларни ёритар,
Унинг меҳр қуёши.
У шундай зот, оламда
Топилмагай қиёси.



Барча меҳмон

Бу дунёда барча меҳмон,
Шоҳу гадо ўтар бир кун.
Доно кетар, кетар подон,
Битта жойга ётар бир кун.

Шундай экан, кибр нечун,
Нега ердан оёқ уздинг?
Самоларда сайр этган ҳам
Ер бағрига қайтар бир кун.

Ватан

Бобур ҳижронингда қонлар ютгани ростдир,
Фурқат фироқингда фиғон этгани ростдир,
Широқ сенинг учун жондан кечгани ростдир,
Сендан суюк макон топилмас, Ватан!



ИЛИЖ

Балки устун келиб ғурурим,
Оғритдим мен дўстимнинг дилин.
Сўралмадим бир бора узр,
Бормади-ку шунга ҳам тилим.

Сен - мен каби эмас тошбағир,
Аҳволимни тушунгандирсан.
Мени дўстим дегандинг ахир,
Сен дўстингни кечиргандирсан.

ОДДИЙ ҲИТ

Дилинг ила тилинг тенг тут,
Кўнглинг ила қўйнинг кенг тут.
Ростгўй бўл, ёлғонни унут,
Ёлғондан афзалдир сукут.

Доимо ҳақни ёқлагин,
Сирни имондай сақлагин.
Онанг оқ сутин оқлагин,
Пок бўлгил бамисли оқ сут.



Соғиндим

Соғиндим мен сени, соғиндим тўлиб,
Хаёлим ўзингда, фақат ўзингда.
Кўзларим нигорон, интизор бўлиб
Ҳамон нигоҳларим сенинг йўлингда...

Сени бедор бўлиб кутаман ҳар дам,
Келмасанг қалб йиғлар, кўнгил бўлар кам.
Кўринсанг севинчдан чекинади ғам
Кўзларимга гўзал туюлар олам.

Сен борсан, ҳаётим нурли, чароғон
Сендадур иқболим бахтим ҳар қачон.
Сенсиз юксақлар ҳам зиндондир гўё
Ёрқин қуёшисиз қолгандек осмон.

Гул муаттар, лек тикан ҳам унга бегона эмас
Севги-ишонч баъзан ёлғон уни четлаб ўтолмас.
Висол ила ҳижроннинг ораси яқин жуда,
Лек ҳажрдан ҳамма ҳам чин васлга етолмас.



Оддий оғир савол

Улрайтирди меҳр-ла онанг,
На ором ва на тин олди.
Балоратта етгунингча то
Сочлари ҳам оқариб қолди.

Мана энди кетиб куч-мадор
Ёрдаминга муҳтожу ночор.
Шу ҳолида қилмай эътибор
Оқибатинг қаён йўқолди?!

Бу Ватан

Бағри боғу чамандир,
Тупроғи зар-маъдандир,
Бу Ватан, бу Ватан.

Ой-қуёши нур сочар,
Дарёлари дур сочар,
Бу Ватан, бу Ватан.

Эли яшар ҳур, озод,
Яйраб ўсар ёш авлод,
Бу Ватан, бу Ватан.

Ардоқлидир, суюқдир,
Келажаги буюқдир,
Бу Ватан, бу Ватан.



Баҳорой

Борлиққа кўрк, нур берган,
Дилларга сурур берган
Қотган еру тошни ҳам
Уйғотиб, умр берган
Баҳорой, баҳорой.

Дарё сойни мавжлатиб,
Куй-қўшиқни авжлатиб
Дала-даштни гул билан
Безантирган яшнатиб,
Баҳорой, баҳорой.

Қуёши ҳур порлаган,
Ҳар ён пок ғуборлардан,
Узоқдаги қушларни
Тўй-базмга чорлаган,
Баҳорой, баҳорой.



Қувонч

Қуёшнинг ортаган нури,
Дилда ҳаёт сурури.
Завқ бағишлар ҳаммага
Қушларнинг шод чуғури.

Мисли олов болалар -
Қирдаги ол лолалар.
Борлиқ гардин ювади
Оқ ёмғирлар, жалалар.

Еллар эсар бир майин,
Гулзор қўяр жилмайиб.
Қиқирлаб кулар ирмоқ
Тортиниш не билмайин.

Атроф гўзал, оҳорлик,
Покиза, беғуборлик.
Ҳайратларга тўламиз
Ҳаётимиз баҳорлик.



Ўзбекистоним

Отамнинг ватани, онамнинг ери,
Неча даҳоларни ўстирган эли.
То жоним бор экан куйлайман сени
Мангулик макони шухратим, шоним
Ўзимнинг, ўзимнинг Ўзбекистоним!

Темур бобом кезган қутлуғ даргоҳим,
Уни ўзинг асра, қодир оллоҳим.
Пойингга бош қўяй эй саждагоҳим
Сенга фидо бўлсин тан ила жоним
Ўзимнинг, ўзимнинг Ўзбекистоним!

Ёвқур Широқдек чин ўғлонларинг бор,
Бобурдек нечалар дийдорингга зор.
Шоҳида мадҳингни куйлагай такрор,
Барча юртлар ичра гўзал бўстоним
Ўзимнинг, ўзимнинг Ўзбекистоним!



Нафрат

Қалбни яраловчи ништарли сўздан,
Яхшилигин миннат қилгувчи дўстдан.
Гўзал аммо ҳаё билмаган юздан
Умрим бўйи нафратланаман.

Вафодан сўзловчи бевафолардан,
Фариштаман деган беҳаёлардан.
Ёлғончи, тузалмас бедаволардан
Ҳам сер жафолардан нафратланаман.

Ёмонлик йўлини тутган ноқасдан,
Дарёни қулт этиб ютган баднафсдан.
Димоғи осмону назари пастан
Ҳар дам ор қиламан, нафратланаман.

Яхшиларга тухмат тошин ёғдирган,
Онасин кўздаги ёшин оқтирган.
Ҳатто шайтонни ҳам йўлда қолдирган,
Айёр инсонлардан нафратланаман.

Айбсиз инсон йўқ, айбсиз-ёлғиз Оллоҳим,
Биламан, менинг ҳам кўпдир гуноҳим.
Сизга оғир ботса узр, бу оҳим,
Нетай ёмонликдан нафратланаман.



Навоийдек бобом бор

Шеъриятнинг мулкида гўзал гул-у бўстон бор,
Фазал-у рубоийлар бўстони ичра бисёр.
Фазалиёт юртида қуёшдайин жилвакор
Оламни лол қолдирган Навоийдек бобом бор.

Гўзал Есенин шеъри, Айтматовнинг қиссаси,
Лекин менга хуш ёқар Навоийнинг "Хамса"си.
Туркий тил ривожда беқиёсдир ҳиссаси,
Тилимни тан олдирган Навоийдек бобом бор.



Зулфияxonим

Аёллик пок иффатин,
Чин муҳаббат қудратин.
Вафо ҳижрон қиссасин
Куйлаган энг соз, асл,
Ўзбекистон қизи-у,
Шоира Зулфияси!

Кўклам ва тонг элчиси,
Халқ дардининг куйчиси,
Тошқин дилли ҳур қизи -
Шеърятдир суянчи -
Ўзбекнинг Зулфияси!

Ҳар сатрида инжулар,
Соф, самимий туйғулар
Севги ҳисси қуюлар
Муҳаббат маъбудаси -
Ўзбекнинг Зулфияси!



Дема

Фақирлар устидан кулиб,
Кўнгилларни вайрон қилиб
Димоғинг осмонда тутиб
Ўзингни сен тоғман дема.

Бойларга мол эҳсон қилиб,
Қорни тўқни меҳмон қилиб
Камбаладан бетинг буриб,
Саҳоватли зотман дема.

Яхшилардан юз ўгириб,
Нодонни улфатинг билиб.
Тухмат қилиб, ғийбат қилиб
Беғуноҳу покман дема.

Ота-онангни хор этиб,
Дийдорларингга зор этиб.
Қайларга дарбадар кетиб,
Хизматдаман, борман дема.

Ёмон феълинг тарк айлагил,
Яхшиликни касб айлагил.
Эртанг не бўлар, ўйлагил,
Бир кун келиб хорман дема.



Дунё

Баъзан бахтсизликни бахт деб ишондик,
Саробга алданиб дўстликдан тондик.
Кўз очган илонлар ичра уйғондик,
Жуда кеч англадик, ёлғон бу дунё.

Ғаним дўстлик учун қадаҳ олганди,
Ичида кин-алам ўтдай ёнганди.
Сенинг қадаҳингга заҳар солгандир -
Пасткашларга тўла ёлғон дунё бу.

Эй дўстим, огоҳ бўл, қолма гафлатда,
Душман тузоғига тушма ҳеч вақтда.
Кичик тикани ҳам ханжардек катта
Шундай номардлар бор ёлғон дунё бу.



Ҳаёт – ўлимга йўл

То тириксан, иймонли бўл,
Садоқатли, виждонли бўл.
Умрингда сарҳисобли бўл
Ҳаёт асли-ўлимга йўл!

Бойлик излаб сарсон бўлма,
Ёвуликка посбон бўлма.
Сен риёкор, нодон бўлма,
Ҳақиқатга қалдон бўл!

Умринг бекор сарф этмагин
Эзгуликни тарк этмагин.
Яхшиликни касб этсанг гар
Очиқ эрур жаннатга йўл!



Опоқ қор

Кўзим қамаштирган сен-эй мўъжиза,
Балки, орзуимдан ранг олгандирсан.
Кумуш ҳам олдингда оддий тош холос,
Кумушнинг кўркини сен олгаймисан?

Опоқ қор, покиза, бокира эй қор,
Таърифинг қилолмам ёзсамда минг бор
Сендан сўрар яна бир саволим бор:
Умримнинг баҳорин чорлагаймисан?



Онажон

Аллангиз қулогимда доим,
Кўнгил ардонимда доим,
Онажон.

Меҳрингиз бошимда офтоб,
Пойингиз айлаин тавоф,
Онажон.

Сўзингиз ёқимли, хушдир,
Дилларга бахш этади ҳузур,
Онажон.

Ҳамма сиздай бўлса эди,
Олам бахтдан кулса эди,
Онажон.



Сабоқ

Бешиқдан қабргача
Илм ўрган демишлар.
Кўп билади албатта
Кўпни кўрган демишлар.

Камтарга камол бўлар,
Манманга завол бўлар.
Обру тошмас гердайиб
Кўкрак керган демишлар.

Борига кўн, шукр қил,
Ёнга боқиб фикр қил.
Ризқи-рўзни белгилаб
Ўзи берган демишлар.

Ҳар неда бир ибрат бор,
Ҳар неда ишорат бор.
Мақсадга етар, уни
Англаб етган демишлар.

Шоҳида, ўқи-излан,
Ёруғ мақсадлар кўзла.
Оқила, доно қиздан
Ҳамма хурсанд демишлар.



Ўқинма, эй табиат

Бу кун она табиатнинг,
Кўнгли биздан ғаш бўлди
Одамзоднинг зулмидан
Кўзларига ёш тўлди.

Айбни ўздан кўрарди,
Инсонлардан сўрарди:
"Ахир сизни севардим,
Сизга борим берардим.

Бунча ғам ютмагандим,
Сизлардан кутмагандим.
Наҳотки, менинг айбим -
Бор меҳримни тутганим?

Наҳотки, ўз фарзандим
Энг ашаддий душманим?"
Тиниқ, покиза сувлар
Кўлмак бўлди қанчалар.

Дов-дарахтлар, майсалар,
Гиёҳлар ҳам хасталар
Қушлар ҳам нажот кутиб
Чирқирар бағри куйиб.

Бойлик олиш йўлида,
Кўплаб жанглар қилинди.
Шу кун фарзандларимнинг
Худбинлиги билинди.

Ёвузлик тузовига
Худбин ўзи илинди.
Фидоии фарзандлари
Нафс йўлидан бормади.

Бутун инсониятни
Огоҳликка чорлади.
Табиат яғонамиз
Жонимиз, дурдонамиз.

Авайлаб, биз асрайлик,
Ахир, у ўз онамиз!
Шунда у авлодларга
Узоқ хизмат қилажак.

Шунда фахрланади
Биздан нурли келажак.
Ўксинма, эй табиат
Энди сени асраймиз.

Келажак авлод учун
Гавҳардайин сақлаймиз!



Насихат

Сиринг сақла дилингда,
Чиқармагин тилингда.
Сўзинг бўлса кўнглингда
Ўйлаб кейин сўйлагин.

Улуғ билан беллашма
Нодон билан тенглашма.
Ҳаёт яхши деб яша,
Ёмонликка йўймагин.

Ёлғон сўздан йироқ бўл,
Яхшиларга ҳамроҳ бўл.
Одобли бўл, огоҳ бўл,
Келажагинг ўйлагин.



Унутилмас онларим

Гўзал ёшлик боғида
Мақтабим қучоғида.
Устозим ардоғида
Ўтди шодон кунларим
Ўқувчилик дамларим,
Унутилмас онларим.

Қадрдон синфдошларим,
Гўё қариндошларим.
Сизни ўйлаб кўзимда
Тошар севинч ёшларим.
Ўқувчилик дамларим,
Унутилмас онларим.

Шўхлигу қувноқлигим,
Зўр ўйинқароқлигим.
Эртакка ҳамроҳлигим
Ортада қолдилар бари
Ўқувчилик йилларим -
Унутилмас онларим.



Санам

Санам сойнинг сувидай,
Саҳардек соф садафмикин?
Гўзалигинг гулдек гўё
Гул сен билан адашмикан.

Елкангни тўлдирган сочинг,
- Тун-кечага талашмикан.
Қалдирғочдай қора қошинг
Осмон билан туташмикин?

Малак мисоли моҳтобим
Нафис, нозик нигоҳларинг.
Гўзал гулгун дудоқларинг
Фариштага ўхшашмикин?



Отамга

Қадрдоним бу дунёда сендан улуғ кимим бор,
Сенинг каби меҳрга ҳам кучга тўлиқ кимим бор?
Ҳар бир сўзинг ҳикмат менга, ҳар ўғитинг-шамчироқ,
Улар ила дилим ёруғ, йўлим ойдин ва порлоқ.

Гарчи тақдир-ҳақдир, унда не бор, барин кўргайман,
Вале эзгу дуонг бирла саодатли бўлгайман.
Ҳар қадамда дуоларинг мени қўллаб туради,
Тўғри йўлга, тўғри ишга мудом йўллаб туради.

Сенинг бирла бағрим бутун, бошим осмон бўлгуси,
Айтаверсам маҳзинг битмас узун дoston бўлгуси.



Тўртликлар

Севгинг чинми, сақла дилингда,
Чин севги бўлар юракда ишон.
Севгинг дилингдамас, бўлса тилингда,
Бу бўлул ўткинчи ҳавасдан нишон.

Туғилдим, яшаяпман, ўтмоғим тайин,
Умрим шамдек сўниб борар йиллар сайин.
Шунча ёшим ўтиб кетди ўйиндаин
Энди йиллар армонин кимга айтайин.

Тоғнинг чўққисидан талпинган эй бахт,
Сен узоқ жим кетдинг, энди тезроқ қайт.
Менга бир сен керак, ҳожат эмас тахт,
Бахт билан бахтлиман ахир ҳамма вақт.



Ёшлигим

Ортада қолди ёшлигим,
Қувноқлик бебошлигим.
Ўйинга сирдошлигим,
Шўхлигим, оташлигим.

Соғинч ўртар дилимни,
Бурай сенга йўлимни.
Осмови қуёшлигим
Йўли ойдин ёшлигим.

Бу дунёнинг коридан,
Гоҳо безиб ҳорисам.
Қўмсагайман покизам,
Оҳ, беғубор ёшлигим.



Ният

Чангу гард, каму дарддан,
Йироқ юрсин яхшилар.
Нокасу, қув, номарддан
Йироқ юрсин яхшилар.

Офат-бало, тухматдан,
Йироқ юрсин яхшилар.
Ҳам зулмату, зиллатдан,
Йироқ юрсин яхшилар.

Ҳар қандайин илатдан,
Йироқ юрсин яхшилар.



Чорлов

Юлдузлардай порланг, орзулар,
Юксакларга чорланг, орзулар.
Кўнгилларга илҳом солингиз,
Дилларни ёритиб ёғдунгиз.

Ойдин бўлсин диллару йўллар,
Эзгу ишда толмасин қўллар.
Шунда олам гулистон бўлгай,
Одам бахти қуёшдай кулгай.

Мадад

Момолар алласидан,
Боболар галабасидан,
Рухланиб ўсган ботир.

Эртақлар осмонидан,
Алпларнинг дostonидан,
Кучланиб ўсган ботир.

Ошиқлар қиссасидан,
Олимлар ҳикматидан,
Нурланиб ўсган ботир.

Элу-юрт рағбатидан,
Олқишу раҳматидан,
Сурурланиб ўсган ботир.



Ватан десанг

Ватан десанг тилингдан,
Бол томсин, боллар томсин.
Кўксингдаги дилингда
Меҳр деган чўғ ёнсин.

Ватан десанг кўлларинг
Қанотларга айлансин.
Ҳатто оддий сўзларинг
Баётларга айлансин.

Ватан десанг, бу бошинг
Осмонларга тегсинлар.
Кўролмаслар, фанимлар
Бошларини эгсинлар.



МУНДАРИЖА

| | |
|---------------------------|----|
| Барча меҳмон | 4 |
| Ватан | 4 |
| Илинж | 5 |
| Оддий ўғит | 5 |
| Соғиндим | 6 |
| Гул муаттар | 6 |
| Оддий оғир савол | 7 |
| Бу Ватан | 7 |
| Баҳорой | 8 |
| Қувонч | 9 |
| Ўзбекистоним | 10 |
| Нафрат | 11 |
| Навоийдек бобом бор | 12 |
| Зулфияхоним | 13 |
| Дема | 14 |
| Дунё | 15 |
| Ҳаёт-ўлимга йўл | 16 |
| Оппоқ қор | 17 |
| Онажон | 18 |
| Сабоқ | 19 |
| Ўксинма, эй табиат | 20 |
| Насиҳат | 22 |
| Унутилмас онларим | 23 |
| Санам | 24 |
| Отамга | 25 |
| Тўртлиқлар | 26 |
| Ёшлигим | 27 |
| Ният | 28 |
| Чорлов | 29 |
| Мадад | 29 |
| Ватан десанг | 30 |

Адабий-бадiiй нашр

Шоҳида БАҲРОНОВА

ЭЗГУЛИК

шерълар

Муҳаррир:
Дилшод Ражаб

Мусахҳиҳ:
З. Мўминова

Техник муҳаррир:
У. Ҳайитов

Босишга рухсат этилди: 10.08.2007 йил.
Босмахонага топширилди: 31.07.2007 йил.
Бичими: 60x84 /₁₆. Босма табағи: 2,0.
Адади: 500 нусха. 43-буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., З. Қобилов кўчаси, 19-уй.